

# ЛОЙИХА – СМЕТА, ( ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ

ШАРТНОМАСИ № 18582

Фарғона шаҳри

2022 йил “5” май

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фарғона вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Х.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “ROYAL DIZAYN LOYIHA” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Исроилов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги конуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) хамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

## 1. Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Фарғона вилояти Қувасой шаҳар Бўстон МФЙда ичимлик суви тизимларини яхшилаш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш (*APT, ATTA лойиҳаси, топография ва геология ишлари ҳаражатлари билан бирга*) мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб ракамига маблаг ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. «29» апрель куниги харид комиссиясининг 18582-сонли баёнига асосан жорий нархларда 74 850 000 (етмиш тўрт миллион саккиз юз эллик минг) сўмни, шу жумладан қўшимча қиймат солиги 15% - 9 763 043 сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 9 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “14” майда буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## 3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган КМК, ШНК ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради хамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъкидланади,

## 4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## 5. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % микдорида авансни ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, кабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб колган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб

ракамига маблағ ажратылғандан сүнг объект умумий шартномавий кийматининг 70 фоизи доирасида амалға оширилади.

#### **6.Ишларни бажариш**

6.1. Пудратчи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош мухандисни тайинлайди.Бош мухандис лойиха-смета хужжатлари ҚМК, ШНК ва бошка месъерий хужжатларга мувофиқ ишлаб чикилишини назорат килади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилётган ишлар хакида Буюртмачига ахборот тақдим килиб боради. Пудратчи лойиха-смета хужжатларини белгиланган муддатда, курилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли килиб бажаради.

#### **7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1. Пудратчи томонидан тайёрланған лойиха-смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги хузуридаги “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер хужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараккиёт ва камбагаликкни кискартириш вазирлиги хузуридаги “Лойихаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хulosаси олингандан сүнг, Пудратчи З кун мобайнида лойиханинг ишчи хужжатларини З нусхада, смета хужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо кўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қиласи.Лойиханинг ишчи хужжатлари юқоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган хисобланади.

7.2. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четта чиқшлар ёки бошка камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул килаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огохлантиради ва камчиликларни қиска муддатда бартараф этилишини талаб киласи. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз хисобидан бартараф киласи.

#### **8.Енгиги булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка сиғиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса, томонлар бундай мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

#### **9.Кафолатлар**

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, курилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиха-смета хужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

#### **10.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди.Пудратчи тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида катнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиха-смета хужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган қидирив ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирумаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли стқазилган заарни қоплашдан озод килмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиҳа-смета хужжатлари билан bogliq muammoli xolat vujudga kelgan taqdirda Pudratchi Buortmachi oлдида mulkij javobgar xisoblanadi va ushu xolat bilan bogliq zaar tuliqicha Pudratchidan undiriб olinadi.

Буюртмачи томонидан topilgan nuksонлар ва kamchiliklar ўз вактида bartaraф этилмагани учун Pudratchi Buortmacha муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун sifatsiz bajarilgan ishlar қийматининг 20 фоизи miқdoriда penя tўlайдi, bunda penяniнg umumiy summasi sifatsiz bajarilgan ishlar қийматinинг 50 фoizidан oshmasligi kerak.

Penя tўlaш Pudratchini ishlarni bajarishnинг ёki xizmatlар kўrsatiшnинг kechiishi tufayli etkazilgan zaarlarni қoplaшdan ozod kilmайдi.

10.5. Agar bajarilgan ishlar sifati belgilangan standartlariga, kuриliш meъrlari va kondalariга, ish xujjatlariga muvofiq bўlmasa, u xolda Buortmachi «Davlat ekologik expertizasi»ning xulosasi aсосида ishlarni kabul kiliш va uning учun haқ tўlapidan boш torhtiши, shuningdek Pudratchidan sifati zarur daражада bўlmagan ishlar қийматinинг 20 фoiz miқdoriда жарima undiriш xukukiga eга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганligi учун мазкур мuddada назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан қилинган харажатларда, mol-mulkning йўқотилиши ёки shikaстlaniшида, шу жумладан boy berilgan foidada ifodalanadigan penя bilan koplasmagan zaarlarni қoplайдi.

10.7. Muddat ўtказиб юборилганligi ёki mажбуриятlарnинг boшkacha tarzda zarur daражадa bajarilmagانлиги учун penя tўlaш tomonlarni ushu mажbuриятlарni bajarishdan ozod kilmайдi.

10.8. Kompaniya budjetdan mablag oluvchi tashkilot xisoblananligi sababli, obyekta budjetdan mablag ajkratiliши kechikkanligi учун ёki viloyat Molia boшkarmasi tomonidan obyektning viloyat Faznachilik boшkarmasidagi maxsus xisob rakamiga mablag ajkratilmaganligi sababli Buortmachi tўlovlarни amalga oshira olmagانлиги учун, pudratchi oлdiда mulkij javobgar bўlmайдi va penяlar ham xisoblanmайдi.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-modдаси 1-кисмига kўra, Buortmachining mажbuриyatlari kуйидagi xollarدا bекор bўлади, agar давлат organinining xujjati чиқishi natiжasida mажbuриyatni bajarish tuliq ёki kisman mumkin bўlmay қolsa, mажburiyat tuliq ёki uning teginliki qismi bекор bўладi.

## 11. Коррупцияга карши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларini bajarishda tomonlar:

-коррупцияга карши курашиш tўғrisidagi Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларiga зид bўlgan xar қандай ҳатти-харакатlарни amalga oshirmaslik;

-шу жумладан, пора taklif kilmasligi, vaъda bermasligi, tovlamaчilik қilmasligi, tўғridan-tўғri ёki bilsosita пора olishga, яъni moddий boyliklar ёki mulkij imtiёzlarни olishga rozilik bermasligi, пора beruvchinинг manfaatlari йўлиda kompaniya xodimi ўз lavozimidan foidalanangan xolda amalga oshiriши ёki amalga oshiriши mumkin bўlgan muayni ҳarakatlarni bajarmasligi шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;  
-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси конунларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукуқбузарликларни содир этганилиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

## 12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фаргона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг З-бандига асосан 2020 йил 1 июлга кадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиши фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу карор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганини маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий таракқиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник тоширикнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий холоса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида кириппмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тутатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга карор қилган томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

## 14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фаргона вилоят Фазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради хамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Уч нусха хам айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

## 15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

### Буюртмачи»

Фаргона вилоят ҳокимлиги “Капитал курилиш соҳасида буюртмачи хизмати”

Манзили: Фаргона ш. Темирйўл кўчаси 37-йй

Тел./факс 244-52-24

ШХР 30112160304017063409018006.

Ташкилотнинг: СТИР 204816336 ОҚЭД-

Фаргона вилояти бўйича Фазначилик бошқармаси

ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО: 00014 Фазначилик бўлинмасининг

СТИР: 201122 919

Рахбар

м.у.

Х.Долимов

Хукукшунос:

Марф

Обеят



### «Пудратчи»

“ROYAL DIZAYN LOYIHA” МЧЖ

Манзил: Фаргона ш. Сайилгоҳ кўчаси 226-йй

Тел: 998-73-244-01-73

Х/Р: 2020 8000 604 720 352 001

Банк: АК Мадад инвест банк Фаргона филиали

МФО: 01142

ИНН: 300 898 378

ОКОНХ:

Директор

А.Исроилов

